

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА ШАХЛО УКТАМОВНА

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ
ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of Doctor of sciences (DSc)

Нуруллаева Шахло Уктамовна

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик тайёргарлигини
моделлаштириш назарияси ва методикаси3

Нуруллаева Шахло Уктамовна

Теория и методика моделирования педагогической подготовки будущих
преподавателей начальных классов29

Nurullarva Shakhlo Uktamovna

Theory and methodology of modeling pedagogical training of future primary school
teachers55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works59

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВА ШАХЛО УКТАМОВНА

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ
ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(бошланғич таълим)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1DSc/Ped200 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шодиёв Ризамат Давронович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адизов Бахтиёр Рахмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Кекеева Зинаида Очировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Уразова Марина Батировна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети хузуридаги PhD.03/04.06.2020.Ped.70.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 08 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz.)

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (54-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши ш., Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Тел.: (75) 225-34-13; факс: (75) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 08 куни тарқатилди.
(2021 йил «14» 08 даги 5- рақамли реестр баённомаси)



Х.О.Жураев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
п.ф.д., доцент

И.Б.Камоллов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.

Х.О.Жураев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобаллашув ва ижтимоий-иқтисодий интеграция, замонавий фан ва техниканинг юқори суръатлардаги тараққиёти инсон кундалик турмуш тарзига ва ишлаб чиқариш жараёнига кенг кириб бориш билан бир қаторда фойдаланувчилардан ҳам ўзига хос чуқур билим ҳамда тайёргарликни тақозо этмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги доимий ўзгаришларга адекват мослашувчан бўлган кадрлар тайёрлаш муаммоси педагогик тайёргарлик жараёнини моделлаштиришни кун тартибидаги муҳим масала сифатида қўймоқда. Бугунги кунда хорижий педагог олимлар томонидан кадрлар тайёргарлигига қўйилаётган замонавий талаблар асосида педагогик моделлаштиришга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жуда қисқа муддат давом этадиган педагогик таҳсил давомида бўлажак ўқитувчилар учун зарурий бўлган педагогик, психологик ва методик тайёргарликка оид кенг қўламли ахборотлар тўпламининг содда ва компакт ҳолда талабалар онгига сингдиришда педагогнинг таълим жараёнини мукамал лойиҳалаштириш, моделлаштириш маҳорати ўта муҳим масала ҳисобланади.

Дунё мамлакатларидаги педагогик таълимга доир илмий тажрибалар таҳлили моделлаштириш, хусусан, педагогик моделлаштиришнинг психологик-педагогик тадқиқотларда етакчи ўрин тутиши ҳамда педагогик антропологияда фундаментал йўналишларидан бири эканлигини кўрсатмоқда. Педагогик моделлаштириш ўқув-тарбиявий жараён, унинг мазмуни, ташкил этиш муаммолари, камчилик ва ютуқлари, стратегиясига доир яхлит тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Замонавий педагогикада шахс ривожланиши ва шаклланиши, кадрлар тайёргарлиги, уларнинг касбий фаолияти, таълими ва шахсий сифатларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж юзага келди. Касбий фаолиятга тайёргарлик давомида талабаларда педагогик моделлаштириш тажрибаси асосида диагностик компетенцияларни шакллантириш, касбий-рефлексив ва деонтологик компетентликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда педагогик таълимни ривожлантириш, жумладан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик ва психологик тайёргарлигини ҳамда назарий-методик, рефлексив ва тадқиқий фаолиятини модернизациялаш, бошланғич таълим жараёнини интегративлик, концептуаллик ва дифференциаллик тамойиллари асосида ташкил этишга тайёрлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом

эттириш”¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик таълимини моделлаштириш муаммосининг тадқиқи муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида ҳамда педагогик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини моделлаштириш ва узлуксиз такомиллаштириб бориш муаммоси юзасидан дунёнинг қатор илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларида, хусусан, UNESCO International Institute for Educational Planning (Буэнос Айрес ва Париж), Wissenschaftsgemeinschaft Gottfried

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон.

2. Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосланилди: https://tftwiki.ru/wiki/UNESCO_International_Institute_for_Educational_Planning, https://ru.wikipedia.org/wiki/Ассоциация_Лейбница, Heise M. Professionelles Lernen/jencils von Fortbildungnahmen/Heise//Zeitschrift fur Erziehungswissenschaften – 2007. - № 10 (4) – S.51-53; McKee, C.W., Johnson, M., Ritchie, W.F., Tew, W.M. Professional Development of the Faculty: Past and Present, New Directions for Teaching and Learning, Los-Angeles, 2013 – pp. 15-20.; The European Commission on New models of learning and teaching in higher education. October, 2014. Luxemburg: Publications Office of the European Union. – 2014. – 68 p. Вартофский М. Модели. Репрезентация и научное понимание.-Москва: Прогресс, 1988. –С.122; Vincent Greney, Thomas Kellaghan, Assessing National Achievement Levels in Education. The World Bank. 2008. Washington. – pp.57-63.

Wilhelm Leibniz e.V. (Германия), Массачусетс ихтисослашган маркази (АҚШ), Манчестер ихтисослашган маркази (Буюк Британия), Нагоя университети хузуридаги Ихтисослашган малака ошириш маркази (Япония), Педагогик технологиялар бўйича Миллий марказ (Италия), А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети (РФ), Новосибирск давлат педагогика университети (РФ), University of Ottawa (Канада) да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда педагогик таълимни такомиллаштириш ва педагогик моделлаштиришга оид жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилди. Жумладан, педагогларнинг узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантиришнинг махсус модулли-тренинг дастурлари (Буюк Британия), педагогик лойиҳалаштиришни таълим муҳитининг жамият талабларига ҳамда таълим жараёни иштирокчиларининг шахсий қадриятлари асосида ташкил этиш йўллари (Германия), таълим субъектларининг таълим тизимини режалаштириш ва бошқариш кўникмаларини техник воситалар ҳамда таълимий дастурлар воситасида ривожлантириш (ЮНЕСКО ТРХИ), педагогик таълимни такомиллаштириш мақсадида жараённи моделлаштириш, ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги, технологик ва психологик тайёргарлигини ошириш йўллари (РФ) ишлаб чиқилган.

Жаҳонда педагогик таълимни моделлаштириш ва такомиллаштириш борасида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш, модулли таълим технологияларига таянган ҳолда педагоглар мобиллигини таъминлаш мақсадида узлуксиз малака ошириш тизимини ташкил этиш, педагогик таълимни ва узлуксиз таълимни моделлаштириш механизмларини такомиллаштириш асосида ўқитувчилар касбий адаптациясини йўлга қўйиш, замонавий таълим мазмунини прогнозлаштириш ва лойиҳалаштиришнинг асоси бўлган ижтимоий педагогик моделлаштириш соҳасини ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини инобатга олган ҳолда ҳар қандай даврда ҳам педагогик таълим муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Шарқ мутафаккирлари ва адиблари ушбу муаммони бадиий нуқтаи назардан изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифийлар ўз асарларида таълим-тарбия ва устозларга қўйилаётган талаблар ҳақида тўхталиб ўтганлар.

Жамият муаммоларини маърифат орқали бартараф этиш ғоясини илгари сурган жадид маърифатпарварлари (Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий) эса ўрта аср анъаналари асосида фаолият юритаётган таълим тизими ва устозлар фаолиятини ислоҳ қилиш йўллари баён этганлар.

Замонавий педагог олимлардан М.Очилов, Т.Ғаффорова, А.А.Халиков, Н.Муслимов, Р.Д.Шодиев, Н.Н.Каримова, О.Қ.Мусаев, М.Т.Мирсолиевлар

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини; Р.Мавлонова, Б.Адизов, Р.Х.Файзуллаев, Х.А.Юлбарсова, Д.А.Мустафоева, С.Қаҳҳоров, Қ.Т.Олимовлар методик тайёргарликни ўз ишларида тадқиқ этган бўлсалар, ўқитувчиларга қўйилаётган психологик талаблар хусусида М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, М.Мақсадовалар батафсил тўхталиб ўтганлар.

МДХ мамлакатлари олимларидан В.П.Беспалько, В.И.Байденко, И.В.Гришина, Н.А. Долгих, Э.Ф.Зеер, Д.А.Иванов, М.Д.Ильязова, С.И.Мокроусов, И.В.Роберт, В.А.Стародубцев, В.А.Ситаров, Р.Х.Тугешев, В.А.Сластенин, Ю.К.Бабанский ва бошқалар бўлажак ўқитувчилар тайёргарлик даражасига қўйилаётган талаблар, педагогик таълимга компетенциявий ёндашув борасида ва ушбу жараёни амалга ошириш борасида қатор тадқиқотлар олиб борган бўлсалар, В.В.Афанасьев, Б.А.Глинский, И.Б.Новик, В.А.Штофф, Г.В.Суходольский, В.Г. Афанасьев, А.П. Беляева, В.П. Беспалько, А.Н. Дахин, Г.П.Щедровицкий, М.А.Викулина, В.В.Половинкина, Е.М.Семёнова, Н.А.Козырев, О.А.Козырева каби педагог олимлар ишларида моделлаштириш ва педагогик жараёнларни моделлаштириш муаммосига доир батафсил таҳлиллар кўзга ташланади.

Хорижлик мутахассислардан Квинтилиан, Я.А.Коменский, Джон Локк, И.Г.Песталоцци, Л.Дистерверг ва сўнгги йилларда Алекс Мур, А.М.Малколн, Д.Диксон, Ж.Гаиллард, Д.Шэфферлар педагогик фаолиятга доир муаммоларни жамиятдаги методологик муаммолар қаторида таҳлил қилган бўлсалар, педагогик моделлаштириш масаласини эса сўнгги йилларда амалга оширилган М.Вартофский, Курт Гедель, В.А.Штофф, Р.Будон, А.Н.Дахин, Р.Шеннонлар тадқиқотларида кузатишимиз мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси ва методикасини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёргарлигини моделлаштиришнинг назарий асослари ва методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Моделлаштириш ва педагогик моделлаштириш муаммосини ҳамда бўлажак ўқитувчилар педагогик тайёргарлигига доир қарашларни таҳлил қилиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёрлаш моделлари иерархиясини ишлаб чиқиш;

педагогик таълим жараёнида талабаларни педагогик, психологик ва методик тайёрлаш методикасини тайёрлаш;

талабалар ва ўқитувчиларни виртуал таълим муҳитида ўз устида ишлаш методикасини такомиллаштириш;

тадқиқот муаммосига доир ишлаб чиқилган методикани педагогик эксперимент давомида синовдан ўтказиш ва бўлажак ўқитувчиларни

педагогик жараёнга тайёрлаш самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг таълим-тарбияга педагогик, психологик ва методик тайёргарлик жараёни ташкил этган.

Тадқиқотнинг предметини педагогик таълимда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик, психологик ва методик тайёрлаш жараёнини моделлаштириш ҳамда амалга ошириш йўллари, усуллари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот муаммоси тадқиқи давомида назарий ва қиёсий таҳлил, педагогик моделлаштириш, технологик лойиҳалаштириш, педагогик эксперимент, анкета, Г.Айзенк тести, математик-статистик таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:
моделлаштириш ва педагогик моделлаштиришнинг алоқадорлик, узлуксизлик, тизимлилик, шаффофлик, яхлитлик тамойиллари ва функционал, дидактик, экспериментал, ахборот шакллари муаммосига доир фалсафий, концептуал, методологик, психологик, педагогик ва методик қарашлар илмий, когнитив, коррекцион, иерархик, қиёсий ва хронологик асосда тизимлаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини таълим-тарбия жараёнига педагогик тайёрлаш модели назарий, амалий ва методик билимлар, академик, дидактик, суггестив, коммуникатив, конструктив ва перцептив каби педагогик қобилият турлари ҳамда педагогик техникани шакллантиришга қаратилган маъруза ва амалий машғулотлар, тренинглар, вазиятли масалалар, микродарслар инновацион, тадқиқий, рефлексив, интеграцион ва креатив ёндашувга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган;

талабаларни педагогик фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлаш модели релаксация машқлари, психологик тренинглар, эмоционал ҳолатни аниқлаш тестларига асосан барқарор-экстравертлик сифатларини ривожлантириш ҳамда вербал ва невербал коммуникация машқлари, эмпатия, перцептив, суггестив, конструктив қобилиятни ҳамда педагогик техникани таркиб топтиришга доир машқлар ёрдамида компетентлик, ижтимоий коммуникативлик, прогнозлаш ва лойиҳалаштириш кўникмаларини шакллантириш методикаси асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги узвийлик, узлуксизлик, тизимлилик, яхлитлик, алоқадорлик умумметодик тамойиллар ва интегративлик, шахсга йўналганлик, технологиялашганлик, замонавийлик каби хусусий методик тамойилларга таянган ҳолда назарий-методик, методик-рефлексив ҳамда методик-тадқиқий йўналишларда педагогнинг шахсий-рефлексив ва шахсий-мотивацион йўналганлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни виртуал таълим муҳитида ўз устида ишлаш тизими вебинарлар, очик онлайн курслар, илмий-методик

семинарлар, рефлексив машқлар шаффофлик, очиклик, индивидуаллик, тизимлилик, демокративлик каби педагогик ҳамкорлик тамойиллари ва компетенциявий, технологик, интеграцион, тадқиқий ҳамда касбий-рефлексив ёндашувлар асосида ривожлантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга педагогик, психологик ва методик тайёрлаш модели ҳамда методикаси ишлаб чиқилган;

“2-синфда ўқиш дарслари” номли методик қўлланмаси нашр эттирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари 2-синфлари учун “Ўқиш китоби” дарслиги нашр эттирилган;

“Бўлажак ўқитувчиларни педагогик жараёнга тайёрлаш методикаси” номли мобил илова дастури ишлаб чиқилган (№DGU 2021 0135-Т.:2021 (21.01.2021 й)).

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёрлаш жараёнини моделлаштириш муаммосининг методологик, назарий ва методик таҳлиliga тизимли ёндашилганлиги, илғор хорижий ва миллий тажрибалардан самарали фойдаланилганлиги ҳамда педагогика олий таълим муассасаларида олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти моделлаштириш ва педагогик моделлаштиришга оид қарашларнинг тизимлаштирилганлиги, педагогик фаолият ҳақидаги Шарқ мутафаккирлари ва педагог олимлар қарашларининг тизимли таҳлили, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёрлаш жараёнини моделлаштиришнинг педагогик, психологик ва методик тайёргарлик йўналишларда амалга ошириш ҳамда ўз устида ишлаш жараёнини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилганлиги; бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини моделлаштириш талабаларни педагогик, психологик, методик тайёрлаш ҳамда ўз устида ишлаш моделлари иерархияси асосида амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларни педагогик, психологик ва методик тайёргарлигини амалга ошириш дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва эмпирик даражасининг асосланганлиги; виртуал таълим муҳитида педагогика олий ўқув юрти талабалари ва бошланғич синф ўқитувчиларини ўз устида ишлашга ўргатиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик тайёргарлигини моделлаштиришга доир таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бошланғич таълим ихтисослиги талабаларини амалий фаолиятга педагогик, психологик ва методик тайёргарлигини моделлаштириш ва амалга оширишга доир ишлаб чиқилган назария ва методика асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини таълим-тарбия жараёнига педагогик тайёрлаш модели назарий, амалий ва методик билимлар, академик,

дидактик, суггестив, коммуникатив, конструктив ва перцептив каби педагогик қобилият турлари ҳамда педагогик техникани шакллантиришга қаратилган тренинглар, вазиятли масалалар, микродарсларда креатив ёндашувга устуворлик бериш асосида ишлаб чиқилган хулосаларидан ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 2 августдаги 181/1-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг маънавий-ахлоқий тарбияси, умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлиги асосида такомиллаштирилишига хизмат қилган;

талабаларнинг педагогик фаолиятга психологик тайёргарликларини такомиллаштириш, эмоционал-барқарорлик сифатларини шакллантиришга, нутқ техникасини ривожлантиришга доир илмий-методик маълумотлардан умумий ўрта таълим мактаблари 2-синфлари учун “Ўқиш китоби” дарслигини тайёрлашда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган, 110-сон буюртма). Натижада ушбу дарслик узлуксиз таълим босқичлари узвийлигини таъминлашга, талабаларнинг педагогик, психологик ва методик тайёргарлигини тизимли ташкил этишга хизмат қилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини бошланғич таълим фанларини технологик, креатив, дифференциал ва интеграцион ёндашув асосида ташкил этишга доир тажрибалар умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун ишлаб чиқилган “Ўқиш китоби. Ўқитувчилар учун методик қўлланма” мазмунига сингдирилган (Тошкент: Шарқ нашриёти. – 2012. Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган, 2587-сон буюртма). Натижада бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқитувчилар фаолиятларини илмий ташкил этиш, ижодкорликнинг когнитив ва шахсий-мотивацион жиҳатларини ошириш учун фойдаланилган;

моделлаштириш ва педагогик моделлаштиришнинг алоқадорлик, узлуксизлик, тизимлилик, шаффофлик, яхлитлик тамойиллари ва функционал, дидактик, экспериментал, ахборот шакллари муаммосига доир қарашлар илмий, когнитив, коррекцион, иерархик, қиёсий ва хронологик таҳлиллар асосида тизимлаштирилганлигига оид хулосаларидан А1-ХТ-0-92997 “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимнинг 2021 йил 2 августдаги 181/1-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг коммуникатив, перцептив, суггестив ва конструктив қобилиятларини ворисийлик ва замонавийлик тамойиллари асосида такомиллаштирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та хорижий, 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 50 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан,

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 3 та хорижий журналларда, 11 та республика журналларида чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 212 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари ва объекти ҳамда предмети тавсифланган, муаммога доир хорижий тадқиқотлар ва ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Замонавий олий таълим тизимида педагогик таълимни ташкил этишнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда педагогик таълим ва педагогик моделлаштириш муаммосига доир Шарқ мутафаккирлари ва замонавий олимларнинг қарашлари, МДХ мамлакатлари ҳамда хорижий тажрибалар таҳлил қилинган. Шу билан бирга педагогик таълимни ташкил этишга доир жаҳон тажрибаси, замонавий ўқитувчининг ижтимоий-маънавий қиёфасига қўйилаётган талаблар ва педагогик муаммолар батафсил ўрганилган.

Ўқитувчиларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини инобатга олган ҳолда ҳар қандай даврда ҳам педагогик таълим муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Ўрта аср Ғарб файласуфлари ушбу муаммони жамиятдаги методологик муаммолар қаторида таҳлил қилган бўлсалар, Шарқ мутафаккирлари ва адиблари бадийий нуқтаи назардан изоҳлашга ҳаракат қилганлар.

Форобийнинг таъкидлашича, бахт-саодатга элтувчи етук жамоа раҳбари (жумладан, ўқитувчи) комил инсон учун зарур бўлган барча фазилатларни ҳамда етук раҳбар учун шарт бўлган ҳислатларни эгаллаган бўлиши керак. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришишда турли тўсиқлар вужудга келади. Форобий оқил инсонлар ҳақида гапириб, ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, ёмон ишлардан ўзларини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар, деган эди. Аллома оқиллар бор жойда ҳеч қачон муаммолар ва келишмовчиликлар бўлмаслигига ишора қилади. Унинг фикрича, устоз шогирдига зуғум қилишга, шунингдек, кўп ҳолларда ён беришга интилмаслиги даркор. Чунки ортиқча зуғум шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади. Агарда шогирд устознинг кўнгли юмшоқлигини пайқаб

қолса, бу ҳол устозни менсимасликка, охир-оқибатда у берадиган билимдан совиб кетишга олиб келади³.

Хорижий педагогика тарихида ҳам ўқитувчи тайёрлаш ва уларга жамият томонидан қўйилаётган талаблар муаммоси батафсил муҳокама қилинган.

Педагогик тадқиқотларда моделлаштириш муаммоси билан қатор олимлар шуғулланган бўлиб, улардан В.Г.Афанасьев, В.А.Веников, Б.А.Глинский, И.Б.Новик, В.А.Штофф каби педагог олимлар ишларида батафсил таҳлиллар кўзга ташланади. Жумладан Г.В.Суходольский “моделлаштириш” атамасига бирмунча кенгроқ таъриф берган: “Моделлаштириш моделлар иерархиясини тузиш жараёни бўлиб, унда реал мавжуд бўлган тизим турли аспектларда ва турли воситалар асосида моделлаштирилади”⁴.

Демак, педагогик моделлаштириш бу педагогик тизим хусусиятларини педагогик модель деб номланувчи объектда ифодалаш усули ҳисобланади. Маълум бир объект оригинал ҳисобланмиш иккинчи бир объектнинг модели бўлиши учун қуйидаги принципиал талабларга жавоб бериши лозим бўлади:

модель яхлит бир тизим сифатида ифодаланиши;

асл объект билан умумий хусусиятларга эга бўлиши;

маълум параметрларга кўра асл объектдан фарқланиши;

тажриба-синов жараёнида асл объектнинг ўрнини боса олиши;

тадқиқот натижасида асл объект ҳақида янги ва тўлиқроқ маълумотлар тўплашга ёрдам бериши;

тадқиқот ёки амалий фаолиятни ташкил этишда концептуал асос вазифасини бажариши. (В.Г. Афанасьев, А.П. Беляева, В.П. Беспалько, А.Н. Дахин).

Таълим соҳасида амалда оширилаётган қатор изланишлар педагогик таълим ва педагогик тайёргарлик бўйича янгича моделларни тақдим этмоқда.

Францияда ўқитувчиларни танлаш ва уларни касбга йўллашда қуйидагилар инобатга олинади:

педагогик касбни танлашда мотивациянинг мавжудлиги (талабалар махсус суҳбатдан ўтказилади);

ўқитувчи шахсий сифатларининг шаклланганлик даражаси (интеграллашган дунёқараш, глобал тафаккур, ахборот алмашинув имкониятларининг кенглиги) танлов курслари асосида шакллантирилади;

таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишга тайёрлик (масалан, талабаларнинг адаптацияси);

педагогика ва психологияни ўқитишга амалий йўналганлик.

Бугун педагогнинг маънавияти, мафкуравий эътиқоди юксак ахлоқий хусусиятларга эгаллиги ва ўқув жараёнини яхши билиши ва самарали бошқара олиши катта аҳамиятга эга.

Биринчидан, педагог жамиятнинг фуқароси сифатида ўз мавқеи ва фаол ўрнини талабаларга намоиш эта олиши лозим. Хусусан, унинг жамият ва ўз

3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993. Б. 65.

4. Суходольский Г.В. Структурно-алгоритмический анализ и синтез деятельности. – Л.: ЛГУ, 1976. – С.12.

жамоасидаги ўрни, танлаган касби, ўқитаётган предмети бўйича чуқур билимга эга бўлиши, талаб ва қоидаларга амал қилиши, меъёр ва қонунларни хурмат қилиши лозим.

Иккинчидан, педагогнинг эътиқоди ва билимдонлиги унинг янги билимлар, ўзи танлаган соҳасидаги янгиликларга нисбатан қизиқишида ҳамда инновацион фаолиятида намоён бўлади.

Учинчидан, эътиқодли ва билимдон педагог ўзига хос фикрлаш тарзи билан ажралиб тура олиши шарт. Чунки ёшлар шундай ноёб, қайтарилмас, андозасиз фикрлаш шароитидагина мустақил фикрлашга ўрганадилар ва фанни бошқа фанлардан ажрата оладилар.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёрлаш жараёнини моделлаштириш”** деб номланади. Ушбу бобда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик тайёргарлигини амалга ошириш концепцияси ва модели ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган моделнинг йўналишлари бўлмиш педагогик тайёргарлик, психологик тайёргарлик, методик тайёргарлик ва виртуал дидактик муҳитда ўз устида ишлашга ўргатиш моделлари ҳам ишлаб чиқилган.

Модель, асосан, намоёниш учун тақдим этиладиган ёки амалга ошириладиган тадқиқот объекти белгиларини ўзида акс эттирувчи тизим ёки комплекс тушунчани англатиб, у бизга объект ўрнини қисман тўлдириб, аниқроқ маълумот олишга ёрдам беради. Кенг маънода модель - бу бирор бир объект, жараён ёки ҳодисанинг тасвири ёки аналоги (хаёлий ёки шартли: тасвир, тавсиф, схема, чизма, график, режа, харита ва шу кабилар) бўлиб, “асл” объектнинг ўрнини босиш учун ишлатилади.

Моделлаштириш усули ёрдамида эмпирик ва назарий нуқтаи назарларни бирлаштириш орқали педагогик объектни ўрганиш жараёнида эксперимент, мантикий тузилмалар ва илмий абстрактларни яратиш жараёнларини ташкил этиш имконияти мавжуд бўлади.

Педагогик моделлаштиришда кўп ҳолларда таркибий-функционал моделлаштириш усулидан кенг фойдаланилиб, бундай моделлаштиришда тадқиқот объекти яхлит тизим сифатида ўрганилади ва объект таркибий қисмлари, ички алоқадорлиги, элементлари, компонентлари ҳақида маълумот олиш имконияти бўлади. Тизим элементлари ўзаро мантикий кетма-кетлик асосида ҳал этиладиган вазифаларнинг ўзаро таркибий алоқадорлиги асосида боғланади.

Моделни яратишда унинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир:

адекватлик – модель прототиби ёки намунаси бўлган асл объектга мос ва ўхшаш бўлиши керак;

тугаллик – моделда асл объектни хусусиятлари тугалланган ҳолда акс эттирилиши талаб этилади;

оддийлик – модель фақат объектнинг муҳим жиҳатларини акс эттириши лозим;

тўлиқлик – объектнинг муҳим жиҳатлари моделда тўлиқ акс эттирилиши муҳимдир;

тахминийлик – реал ҳолат моделда тахминан ифодаланиши керак;
мобиллик – модель турли вазият ва маконда ҳам фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим;

информативлик – моделни яратишда тизим ҳақидаги барча маълумотларни ишлатиш муҳимдир;

илмий концептуаллик – моделни яратишда дастлаб муаммога доир илмий концепцияни ишлаб чиқиш ва унга таяниш талаб этилади.

Педагогик моделлаштириш назариясида ресурсларни оптимал тақсимлаш ва мақсадларни аниқлаштириш учун *прогностик моделлаштириш*; маълумотлар базаси ва ҳаракатлар дастурига асосланадиган *концептуал моделлаштириш*; амалга ошириш воситаларини тайёрлашга, ўқитувчиларни педагогик воситалардан фойдаланишга ўргатиш ва ҳаракатлар кетма-кетлигини ўзи ичига оладиган *стратегик моделлаштириш*; қайта алоқани таҳлил қилиш ва натижага эришиш йўлида учраши мумкин бўлган хатоларни тузатиш механизмини ўз ичига олган *диагностик моделлаштириш*; кутилмаган вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш учун фойдаланиладиган *рефлексив моделлаштириш* каби турлари кенг қўлланилади.

Педагогик моделлаштиришни амалга ошириш қуйидаги босқичларда кечади:

- 1-босқич: моделлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш;
- 2-босқич: модель параметрларини аниқлаш ва моделни яратиш;
- 3-босқич: эксперимент ўтказиш (лаборатория ёки табиий шароитда);
- 4-босқич: тажриба натижаларини таҳлил қилиш;
- 5-босқич: тўпланган маълумотларни амалиётга татбиқ этиш.

Педагогик моделлаштириш – мавжуд педагогик тизимнинг хусусиятлари ва мезонларини махсус яратилган экспериментал объектда акс эттириш бўлиб, у педагогик модел деб юритилади. Ушбу жараёнда асл нусха деб юритилувчи баъзи объектлар бошқа объектнинг модели сифатида ҳам ишлатилади.

Изланишларимиз асосида ишлаб чиқилган бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш модели қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: шахс; илм-фан; жамият; педагогик тайёргарлик; таълим.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлик моделига йўналишларига мос равишда моделлар тизими ишлаб чиқилди. Педагогик маҳоратни шакллантириш моделида касбий билим, педагогик қобилият ва педагогик техникани шакллантириш босқичларини акс эттирган бўлсак, психологик тайёргарлик моделида ўқитувчини таълим ва педагогик мулоқот жараёнига эмоционал жиҳатдан тайёрлаш муаммоси ўз ифодасини топган. Методик тайёргарлик моделида умумий методик билимлар ва хусусий методика асосларини шакллантириш назарда тутилди.

Узлуксиз педагогик тайёргарликни амалга ошириш учун бўлажак ўқитувчиларни виртуал педагогик муҳитда ўз устида ишлашга ўргатиш моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик (1-расм).



1-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик тайёргарлигини амалга ошириш модели.

Виртуал педагогик муҳитда бўлажак ўқитувчиларни ўз устида ишлашга ўргатишнинг тарбиявий аҳамияти жуда кенг бўлиб, у қуйидагиларда ифодаланади:

биринчидан, виртуал таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технология элементларидан самарали фойдаланилиши бўлажак ўқитувчиларнинг шахс ва педагог сифатида ўз-ўзига бўлган ишончнинг ортишига хизмат қилади;

иккинчидан, ўз устида ишлаш мақсадида танланган материалларнинг мазмуни ва сифати виртуал таълимга маънавий-ахлоқий контекст бағишлайди;

учинчидан, виртуал таълим муҳитидаги очиклик, шаффофлик, сермазмунлик ва тезкорлик бўлажак ўқитувчи фаолиятини ҳам худди ана шундай мазмунда ташкил этишга ёрдам беради.

Виртуал таълим муҳитида бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш жараёнини ташкил этиш инсонга жамиятнинг техник ва ижтимоий-маданий ютуқларидан, интеллектуал имкониятларидан фойдаланиш имкониятини беради. Виртуал ўз устида ишлаш самарадорлиги қуйидаги натижаларга эришишга ёрдам беради:

биринчидан, виртуал мулоқот бўлажак ўқитувчига маълумотларга тезкорлик билан эга бўлиш, қисқа муддат давомида билимларини текшириш ва баҳолаш имкониятини беради;

иккинчидан, мулоқот шахс коммуникатив компетентлигини, коммуникатив жараён лойиҳасини яратиш имкониятини оширишга хизмат қилади. Натижада бўлажак педагоглар турли муаммоли педагогик вазиятлардан чиқиш йўллари ишлаб чиқишни ўрганадилар;

учинчидан, педагогик тайёргарлик жараёнида виртуал таълим имкониятларидан фойдаланиш келажакда ёшларда медиамаданиятни шакллантиришга хизмат қилади;

тўртинчидан, виртуал таълим принципларининг бўлажак ўқитувчилар педагогик тайёргарлик принциплари билан мос тушиши, педагогик тайёргарлик ва ўз устида ишлаш жараёнининг параллел равишда амалга оширилиши тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган моделнинг мукамаллигини таъминлайди.

“Педагогик фаолият самарадорлигини ошириш мазмуни” деб номланган учинчи бобда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик тайёргарлик моделлари асосида жараённи ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган.

Ушбу бобда педагогларнинг маҳоратини ошириш методикаси (машқлар тизими асосида); педагогик фаолиятда экстремал компетентлик ва психологик тайёргарликни амалга ошириш методикаси (психологик тренинглар асосида); талабаларнинг методик тайёргарлигини амалга ошириш йўллари баён этилган.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида педагогик маҳоратни шакллантиришга қаратилган методика қуйидаги гуруҳларга ажратилган машқлар тизимидан иборат тарзда ишлаб чиқилди:

ўқитувчининг коммуникатив қобилиятни шакллантиришга доир машқлар;

фонцион нафасни ривожлантиришга доир машқлар;

ўз хатти-ҳаракати ва кайфиятини бошқаришга доир машқлар;

нутқ техникасини шакллантиришга қаратилган машқлар;

муаммоли вазиятларнинг оптимал ечимини топишга қаратилган машқлар;

микродарслар.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиши қуйидаги даражаларда аниқланади:

репродуктив даража;

когнитив даража;

ижодий даража;

ижодий-новатор даража.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик амалий фаолиятга психологик тайёрлашга доир машқларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб олдик:

1-гуруҳ: суҳбатдошини эшитиш кўникмасини шакллантиришга доир машқлар;

2-гуруҳ: ўзига бўлган ишончни таркиб топтиришга доир машқлар;

3-гуруҳ: муаммоли вазиятларда ўз-ўзини ва ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олишга доир машқлар;

4-гуруҳ: эмпатияни таркиб топтиришга доир машқлар.

Талабаларнинг педагогик фаолиятга психологик тайёргарлик даражалари қуйидаги даражаларда аниқланди:

барқарор-интроверт;

беқарор-интроверт;

барқарор-экстраверт;

беқарор-экстраверт.

Талабаларнинг методик тайёргарлиги қуйидаги учта йўналишда амалга оширилади:

назарий методик тайёргарлик;

методик-рефлексив тайёргарлик;

методик-тадқиқий тайёргарлик.

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини қуйидаги даражаларда баҳоланди:

репродуктив;

адаптив;

креатив;

ижодий-тадқиқий.

Виртуал педагогик муҳитда бўлажак ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаш жараёни уч босқичда амалга оширилади. Ҳар бир босқичда амалга ошириладиган иш турлари ва ташкил этиш методикаси хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Биринчи – ўз-ўзини таҳлил ва ўз-ўзини англаш босқичида амалга ошириладиган фаолият психологик тест ҳамда тренинглар асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи босқич ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш (Интернетда ишлашга ўргатиш методикаси) босқичи ҳисобланади.

Учинчи босқич якуний босқич ҳисобланиб, ўқитувчи ўз устида ишлаш натижасида тўплаган маълумотлари, ўзлаштирган билимлари асосида семинар, илмий мақола, маъруза каби шаклларда шахсий тақдимот ўтказади.

Интернет, электрон ахборотлар алмашинув тизими бугунги кунда ижтимоий муҳитга кенг кириб келди. Инсонлар кундалик ҳаётида Интернет тизими имкониятларидан жуда самарали фойдаланиб келишмоқда. Жумладан, таълим жараёнида ҳам маълумотлар тўплаш, ахборот алмашинуви, масофадан ўқитиш мақсадида ушбу тизимнинг ўрни муҳимдир.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик тайёргарлигини экспериментал ўрганиш”** деб номланган. Ушбу бобда дастлаб бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик тайёргарлик даражаларини аниқлаш методикалари танлаб олинди. Тажриба-синов методикаси сифатида танланган педагогик маҳоратнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида И.В.Звереванинг ўқитувчиларда педагогик қобилият ва ўз устида ишлаш кўникмасини аниқлаш методикасидан, психологик тайёргарлигини аниқлашда эса Г.Айзенк тестидан фойдаландик.

Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчилар педагогик тайёргарлик жараёнини моделлаштиришга доир олиб борган тадқиқотимиз давомида талабаларни ўқув-тарбиявий жараёнга педагогик, психологик ва методик тайёрлаш моделлари ишлаб чиқилди. Ушбу моделларни амалга ошириш стратегиясига таянган ҳолда олий таълим жараёнида маъруза, амалий машғулот, мустақил таълим ҳамда тадқиқотчилик фаолиятларини ташкил этиш методикаларини педагогик эксперимент давомида синовдан ўтказдик.

Тадқиқотимиз давомида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик, психологик ва методик тайёргарликларини амалга оширишга доир ишлаб чиқилган методиканинг амалда қўлланилувчанлиги ҳамда самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2018-2021 йиллар давомида уч босқичда тажриба-синов ишларини амалга оширдик. Тажриба-синов ишлари Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Қарши давлат университетининг 5111700 – Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари билан ўтказилди.

Тадқиқот муаммосига доир олиб борилган педагогик экспериментнинг муваффақиятли амалга оширишида қуйидаги объектив ва субъектив омиллар таъсир этади:

бошланғич таълим ва спорт тарбиявий йўналиши талабаларининг педагогик тайёргарлигини амалга ошириш учун сифатли методик таъминотнинг амалга оширилганлиги;

талабалар педагогик, психологик ва методик тайёргарлиги жараёнида машғулотлар ва тренингларни амалга ошириш учун олий таълим муассасаларининг зарурий моддий-техник базаси мавжудлиги;

ОТМ профессор-ўқитувчиларининг бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёргарлигини амалга ошириш учун зарурий билим, кўникма ва малакаларга эгаллиги;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик тайёргарлигини амалга ошириш жараёнининг мукаммал даражада моделлаштирилганлиги.

Илмий ва методик таҳлиллар асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик тайёргарлик мезонлари сифатида қуйидаги педагогик сифатларни танлаб олдик:

бошланғич таълим жараёнини ташкил этишда педагогик маҳорат меъёрларига амал қилиш ва педагогик қобилиятга эга бўлиш;

педагог сифатида эмоционал барқарорлик сифатлари шаклланган бўлиши;

бошланғич таълим фанлари методикаси асосларини мукаммал ўрганиш; касбий рефлексия ва мунтазам ўз устида ишлаш кўникмасини эгаллаш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражасини уч йўналишда ўргандик:

биринчи йўналиш: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик тайёргарлик даражаси (педагогик маҳоратни эгаллаганлик даражаси, педагогик қобилият ва техника асосларини ўзлаштирилганлиги, педагогик муаммоларнинг оптимал ечимини топишга тайёрлиги);

иккинчи йўналиш: талабаларнинг бўлажак ўқитувчи сифатида психологик жиҳатдан тайёргарлиги (педагогик фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлик даражаси, эмоционал барқарорлик сифатларини эгаллаганлиги);

учинчи йўналиш: бошланғич таълим методикасига доир билимларни мукаммал ўзлаштириш ва амалий кўникма ҳамда малакаларга эгаллик даражаси.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари педагогик тайёргарлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги олий таълим муассасаларида тажриба-синов ишларини ташкил этдик:

Бухоро давлат университетидан 110 нафар талаба (тажриба гуруҳида 56 нафар, назорат гуруҳида 54 нафар);

Жиззах давлат педагогика институтидан 115 нафар талаба (тажриба гуруҳида 58 нафар, назорат гуруҳида 57 нафар);

Қарши давлат университетидан 113 нафар (тажриба гуруҳида 57 нафар, назорат гуруҳида 56 нафар);

жами 338 нафар талаба иштирокида тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Педагогик маҳоратнинг шаклланганлигини тўрт даражада аниқладик:

тизимли моделлаштирувчи даража – ўқитувчи фанга доир билимлар тизимини, ўз фаолиятини тизимли равишда моделлаштира олади;

қисман моделлаштирувчи даража – ўқитувчи ўзига маълум билимларни янги вазиятларда ҳам қўллай олади, шу билан бирга айрим муаммоларга доир билимларни моделлаштириб тақдим эта олади;

адаптив даража – ўқитувчи ўзига маълум бўлган маълумотларни етказиш билан биргаликда, уларни янги вазиятда ҳам қўллаш олади;

репродуктив даража – педагог фақат ўзи билган маълумотларнигина ўзгартирмасдан ўқувчиларга етказа олади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик фаолиятга психологик тайёргарлигини аниқлаш мақсадида Г.Айзенкнинг эмоционал барқарорликни аниқлашга қаратилган тестидан фойдаландик. Талабаларнинг психологик тайёргарлигини қуйидагича даражаладик:

барқарор-экстраверт – юқори даража;

беқарор-экстраверт – яхши даража;

барқарор-интроверт – ўрта даража;

беқарор-интроверт – паст даража.

Педагогик экспериментдаги учинчи йўналишдаги асосий ишимиз талабаларнинг бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикасига оид билимларини аниқлашдан иборат бўлди.

Талабаларга умумий методика ва хусусий методикага доир 50 та савол билан мурожаат қилдик. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балдан берилди. Тўпланган баллар бўйича талабаларнинг педагогик фаолиятга методик тайёргарликлари қуйидагича даражаланди:

юқори - тизимли моделлаштирувчи даража – 82 балдан – 100 балгача;

яхши - қисман моделлаштирувчи даража – 62 балдан – 80 балгача;

ўрта - адаптив даража – 42 балдан – 60 балгача;

паст - репродуктив даража – 0 балдан – 40 балгача.

1-жадвал.

Тажриба бошида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг умумий педагогик тайёргарлик даражалари

ОТМ талабалари	Юқори даража		Яхши даража		Ўрта даража		Паст даража	
	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
1-йўналиш бўйича натижалар	11	9	37	35	63	64	60	59
<i>% ҳисобида</i>	6,4 %	5,4 %	21,7 %	21 %	36,9	38,3	35 %	35,3 %
2-йўналиш бўйича натижалар	5	7	21	20	64	67	81	73
<i>% ҳисобида</i>	2,9 %	4,2 %	12,3 %	12 %	37,4 %	40,1 %	47,4 %	43,7 %
3-йўналиш бўйича	10	11	33	34	68	60	60	62
<i>% ҳисобида</i>	5,8 %	6,6 %	19,3 %	20,4 %	39,8 %	35,9 %	35,1 %	37,1 %
Умумий натижалар n=338 (ТГn=171, НГn=167)	9	9	30	29	65	64	67	65
<i>% ҳисобида</i>	5,2 %	5,3 %	17,7 %	17,4 %	38 %	38,3 %	39,1 %	39 %

Педагогик экспериментнинг навбатдаги босқичида тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини педагогик, психологик ва методик тайёрлаш модели асосида тажриба гуруҳида маъруза ва амалий машғулотлар, психологик тренинглари ташкил

этдик, талабаларга мустақил ишлар ҳамда тадқиқот ишлари (курс иши, битирув малакавий иши)ни бажаришга доир тавсиялар берилди. Шу билан бирга уларни келажакдаги педагогик фаолиятлари давомида мунтазам ўз устиларида ишлашлари учун зарурий методика асосида ишлашга ўргатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ишлаб чиқилган моделдаги аниқ кўрсатмалар асосида олиб борилган машғулотлар якунида талабаларнинг педагогик тайёргарликларининг якуний даражаларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Тажриба якунида тажриба ва назорат гуруҳларидаги талабаларнинг педагогик тайёргарликлари аниқланди ва умумий ҳолда қуйидаги маълумотлар тизимига эга бўлдик:

2-жадвал.

Тажриба охирида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг умумий педагогик тайёргарлик даражалари


ОТМ талабалари	Юқори даражадаги талабалар сони		Яхши даражадаги талабалар сони		Ўрта даражадаги талабалар сони		Паст даражадаги талабалар сони	
	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ
1-йўналиш бўйича натижалар	24	13	61	41	71	64	15	49
<i>% ҳисобида</i>	<i>14 %</i>	<i>7,8 %</i>	<i>35,7 %</i>	<i>24,6 %</i>	<i>41,6 %</i>	<i>38,3 %</i>	<i>8,8 %</i>	<i>29,3 %</i>
2-йўналиш бўйича натижалар	27	11	58	37	74	67	12	52
